

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КУЧКИНОВ АБДУМАЛИК ЮЛДАШЕВИЧ

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЭКОЛОГИК
ТАРБИЯЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

13.00.01– Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical
sciences**

Кучкинов Абдумалик Юлдашович

Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш

технологиялари3

Кучкинов Абдумалик Юлдашович

Технология экологического воспитания учащихся начальных классов.....21

Кучкинов Абдумалик Юлдашович

Technology of ecological upbringing of primary school students.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works45

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КУЧКИНОВ АБДУМАЛИК ЮЛДАШЕВИЧ

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЭКОЛОГИК
ТАРБИЯЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

13.00.01– Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Ped1534 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.terstu.uz. Ҳамда "ZiyoNET" Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Турдикулов Эшбой Отақулович

педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Худойкулов Хол Жумаевич

педагогика фанлари доктори, доцент.

Авазов Шериммат

педагогика фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация химояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "10" 08 соат 9 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43. Тел.: (376) 221-74-55; факс: (376) 221-71-17; e-mail: termizdu@umail.uz).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 34 рақами билан рўйхатга олинган). 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43. Тел.: (376) 221-74-55.

Диссертация автореферати 2021 йил "29" 07 кuni тарқатилди. (2021 йил "29" 07 даги 6 - рақамли реестр баённомаси).



И.Т.Чориев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М.Қ.Бозорова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, п.ф.н., доцент

Х.Ж.Худойкулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қўшидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда замонавий экологик таълим институтлари бугун табиат билан чинакам инсоний муносабатларни шакллантириш, табиат билан инсоннинг янада кафолатланган ривожланишини таъминлайдиган ўзига хос ижтимоий-табиий ўлчовини аниқлаш ва хулқ-атвор меъёрларини ўзлаштириш масалаларига алоҳида устуворлик бермоқдалар. Халқаро педагогик ҳамжамият замонавий экологик таълимнинг етакчи вазифаси сифатида шахсни экологик фикрлашга ўргатиш тизимини яратиш ва ўқувчиларга экопедагогик таъсир кўрсатиш орқали экологик тарбиялаш механизминини такомиллаштириш устида изланишлар олиб бормоқда.

Дунё экотадиққотлар тизимида экологик дунёқарашни миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро муносабати, шахснинг табиатга эстетик муносабатинини жамият экологик онги ва маданияти билан интегратив алоқадорлиги сифатида баҳолаш янгича методологик ёндашувларни ишлаб чиқиш имконини бермоқда. Шу сабабли ўқувчиларни экологик тарбиялаш жараёнида экотаълим технологиялар самарадорлигини оширишнинг дидактик таъминотинини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда экологик таълим “фанлараро мавзу” сифатида учта асосий тушунча – тизим, дунёқараш, келажак орқали таснифланиб, ўқувчиларда табиатга эстетик муносабат ва амалий кўникмалар шакллантирилади.

Янги Ўзбекистонни барпо этишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясида белгиланган “аҳолининг экологик маданиятини ошириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат органлари фаолиятининг ошкоралик даражасини ошириш ва фуқаролик жамиятининг ролини кучайтириш”¹ муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистоннинг иқлими ўзгариши бўйича Париж битиминини амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар миллий режасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, 2019–2030 йилларда Ўзбекистоннинг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиялари, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги экологик ҳалокатларнинг олдини олиш вазифаларига эришиш каби улкан мақсадлар йўлида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида янги давлат бошқаруви тизимини шакллантириш ҳамда ана шу мақсадга хизмат қилувчи бошланғич синф ўқувчиларининг экологик тарбиялаш технологияларини такомиллаштириш заруратини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сон, 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сон фармони Тошкент, 2019 йил 30 октябрь.

6108-сон фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 187-сон, 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 434-сон, 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон таълим тизимида экология фани ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари Christian Guet, Jenefer Gonzales, Irina Katane, Maria Saxton, Monica Green, D.Meadows, T.Miller, E.Odum, A.Peccei, R.Whittaker, M.Green ва олимлар томонидан тадқиқ этилган.

МДХ олимларидан Л.Берг, И.Герасимов, Э.Гиросов, Н.Дубинин, Ю.Израэль, Г.Кожевников, К.Лосев, Н.Моисеев, Н.Реймерс, В.Розанов, В.Сукачёв, А.Яблоков, Е.Хохлова, И.Д.Зверев, А.Н.Захлебный, С.К.Матрусов, И.А.Рыков, А.П.Сидельковский, И.Т.Суравегина, И.Н.Пономарева, И.В.Цветковалар томонидан бошланғич таълим тизимида экологик таълим - тарбиянинг педагогик ва методик муаммолари бўйича тадқиқот ишларини амалга оширганлар.

Атроф-муҳит муҳофазаси илми ва унга оид таълимий-тарбиявий ғоялар «Авесто», «Қуръони карим», ҳадиси шариф илми, халқ педагогикаси каби миллий-маънавий манбаларда ўз аксини топганлиги муаммонинг тарихий-педагогик жиҳатга эгалигидан далолат беради. Мутафаккир ва алломалар табиат, унинг таркибий қисмлари ва ундаги мувозанат, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атроф-муҳитни эъозлаш, унга масъулиятли муносабатда бўлиш ҳақида қимматли фикрлар билдирган. Жумладан, ал-Бухорий, ат-Термизий, ал Беруний, ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Ахмад Югнакий, Хоразмий, Форобий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур, Абдурахмон Жомий, Хусайн Воиз Кошифий асарларида табиат ва жамият, уларнинг ўзаро алоқадорлиги, атроф-муҳит муҳофазаси, табиат неъматларини асраш, улардан оқилона фойдаланиш, табиатни эъозлаш каби муаммоли масалалар ечими ўша давр даражасида илмий-амалий жиҳатдан асослаб берилган.

Республикамит олимларидан А.Абулқосимов, З.Акрамов, Л.Алибеков, П.Баратов, У.Бекназаров, Т.Зоҳидов, А.Музаффаров, А.Мухаммадиев,

М.Мухамеджанов, С.Нишонов, Ш.Отабоев, А.Рафиқов, А.Тўхтаев, М.Умаров, Ж.Холмўминов, Ю.Шодиметов, А.Эргашев, П.Ғуломов кабилар томонидан экология, табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазасининг турли жиҳатлари илмий тадқиқ этилган бўлса, Э.О.Турдиқулов, Ш.Авезов, Н.Ў.Нишонова, Л.Худойбердиев, М.М.Мирбабаев, М.Нишонбоева, А.Т.Ҳайитов, Б.Култўраев, И.Ш.Исмаев, В.Н.Саттаров, Ю.Каримов, Н.Ш.Бозорова, Ф.У.Жуманова, М.Э.Мусаева, П.У.Берданова, Х.А.Раҳматова, Т.Бектуров, К.Б.Мухаммадиев Н.М.Эгамбердиева, М.А.Юлдашев, Ғ.А.Султонова, Н.Ашурова М.Д.Раҳматуллаева, Н.Ж.Исақулова, М.М.Алиқулова, А.Р.Мелибоев, Ш.Мирзахмедова, М.Б.Раҳимқуловлар томонидан умумтаълим фанларини ўқитиш жараёнида ўқувчиларга экологик таълим-тарбия бериш муаммолари, уларнинг мақсади, вазибалари, мазмуни, шакли ва методлари тадқиқ этилиб, асосли тавсиялар берилган.

Аммо илмий педагогик адабиётлар ва бажарилган тадқиқот ишлари таҳлилидан маълум бўлдики, бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш принциплари ва технологиялари бўйича махсус тадқиқот ишлари шу кунга қадар ўтказилмаган. Бошланғич синфлардаги экологик тарбия амалиётининг таҳлили шуни кўрсатдики, ўқувчиларни экологик тарбиялаш борасида амалдаги ўқув дастурлари ва дарсликлар мазмуни кўп ҳолларда экологик тарбия принциплари ва технологияларини амалда самарали қўллашга имкон бермайди, ўқув фанлар мазмунидаги билим, кўникма, малака ва компетенциялар тизими экологик тарбиянинг интерфаол методлари ва уларни қўллашга асосланган технологияларга мос ҳолда тизимлаштирилмаган.

Бу каби номутаносиблик ва зиддиятли ҳолатлар бошланғич таълимда экологик тарбия муаммосини давр талаби даражасида илмий-педагогик ҳал этиш заруратини келтириб чиқаради. Бу зарурият мазкур тадқиқот мавзуси ўз ечимини кутаётган долзарб педагогик муаммо сифатида «Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш технологиялари» деб шакллантиришга имкон берди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот А7-ХТ-1-29687 «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд бўлган глобал экологик муаммоларни таълим воситасида ҳал этишга стратегик ёндашувлар» (2012-2014 йй.) ва И1-ХТ-1-10748 - “Мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчиларда барқарор экологик маданиятни ривожлантириш бўйича дидактик мажмуани яратиш ва жорий этиш” (2013-2014 йй.) деб номланган илмий – тадқиқот лойиҳалари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш технологиялари мазмунини аниқлаш ва уларнинг методик таъминотини замонавий медиа воситалари орқали такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тадқиқот муаммоси бўйича фалсафий, экологик, психологик, педагогик, дидактик адабиётлар таҳлили асосида бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш – долзарб педагогик муаммо эканлигини асослаш;

бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялашнинг мактаб амалиётидаги ҳолатини ўрганиш;

бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш мазмуни ва тузилмасига мажмуавий ёндашувни ишлаб чиқиш;

бошланғич синф ўқувчиларини дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида экологик тарбиялаш технологияларини илмий асослаш, тажриба – синовдан ўтказиш ҳамда амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш жараёни белгиланган бўлиб, тажриба – синов ишларига Тошкент шаҳри, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларидаги умумтаълим мактабларининг жами 1056 нафар ўқувчиси жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети. Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш шакл, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида мавзуга оид экологик, психологик-педагогик, дидактик адабиётлар, ўқув дастурлари ва дарсликлар, ўқув қўлланмаларини қиёсий-танқидий ўрганиш, таҳлил этиш ва умумлаштириш, “Аτροφимиздаги олам” ва “Табиатшунослик” дарсларини кузатиш ва таҳлил қилиш, суҳбат, анкета сўрови, тест, педагогик тажриба-синов ва олинган натижаларни математик статистика қайта ишлаш каби методлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бошланғич синф ўқувчиларига дарс ва дарсдан ташқари машғулотларида экопедагогик таълим, маънавий-ахлоқий кадриятларга устуворлик бериш асосида экологик тарбияга оид материаллар мазмунининг дидактик ҳамда медиатаълим имкониятлари такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш мазмуни мажмуавий ёндашув (аниқ бир мақсадга қаратилганлик, ижтимоий-экологик жараёнлар билан боғлиқлик, яхлитлик, узлуксизлик, ҳамкорлик, жамоавийлик, шахсият ижобийлигига табақалашган ва яқка тартибда ёндашиш) асосида такомиллаштирилган, унинг самарадорлигини таъминлайдиган технологик тизим назарий ва амалий жиҳатдан асосланган;

бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш самарадорлигини таъминлашга оид экопедагогик таянч компетенцияларини Autoplay media studio, iSpring QuizMaker дастурида ривожлантириш усуллари ҳамда дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида ekoalam Web-сайтидан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш орқали такомиллаштирилган;

бошланғич синф ўқувчиларига экологик саводхонлик, маданияти, иқтисодий, ижтимоий жараёнига оддийдан мураккабга, узвийлик ва узлуксизлик, экопедагогик каби экологик таълим бериш технологияларини

лойихалаштиришга комплекс (мажмуавий) ёндашув тамойиллари белгиланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

бошланғич синф ўқувчиларини дарсда ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида экологик тарбиялаш технологияларининг дидактик-методик тузилмаси тавсия этилган;

бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш самарадорлигини таъминлайдиган экопедагогик таъсир методлари тавсия этилган.

бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялашда электрон ахборот ресурсларига асосланган технологиялардан фойдаланишга оид методик кўрсатмалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

“Бошланғич синф ўқувчиларини табиатни эъозлаш руҳида тарбиялаш технологияси” ўқув-методик қўлланмаси нашр этилиб, ўқув жараёнига татбиқ қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқ этилаётган муаммога нисбатан илмий – назарий ғояларнинг амалиётда ўз исботини топганлиги; тажриба-синов ишларининг тизимли, изчил, узлуксиз ва мақсадга мувофиқ амалга оширилганлиги, тадқиқот натижалари ишончлилиги ва ҳаққонийлигининг математик-статистик таҳлили асосида ўз исботини топганлиги, тадқиқот методларининг мақсадга мувофиқ танланганлиги, бошланғич синф ўқувчиларининг экологик тарбияланганлиги ҳамда мазкур ҳолатнинг ижобий натижага эришилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларда белгиланган бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш технологияларини лойихалаштиришга мажмуавий ёндашувнинг ишлаб чиқилганлиги, шахсга йўналтирилган таълим самарадорлигини таъминлайдиган экопедагогик таъсир мезонлари, бошланғич синфларда экологик тарбиянинг ахлоқий-маънавий кадриятларга устуворлик бериш имкониятлари аниқлаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалардан мактабда бошланғич синф ўқувчиларни экологик тарбиялаш технологияларини қўллаш самарадорлигини оширишда, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга ихтисосланган муассасаларининг тегишли ўқув дастурларини яратишда, халқаро баҳолаш дастури ўқув топшириқларини ишлаб чиқишда ҳамда экологик дунёқарашни ривожлантиришга масъул институтлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун зарур ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш технологияларини ривожлантиришга хизмат қилади. Унинг натижалари бўйича ишлаб чиқилган экологик тарбиялаш технологиялари ҳамда илмий асосланган амалий таклиф

ва тавсиялар асосида:

бошланғич синф ўқувчиларига экологик таълим бериш технологияларини лойиҳалаштиришга мажмуавий ёндашув тамойиллари ва экологик тарбияга оид материаллар мазмуни ахлоқий-маънавий қадриятларга устуворлик бериш асосидаги таклиф ва тавсиялар А7-ХТ-1-29687 – “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд бўлган глобал экологик муаммоларни таълим воситасида ҳал этишга стратегик ёндашувлар” (2012-2014 йй.) номли илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги 89-03-2599-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш мазмуни ва унинг методик имкониятлари такомиллашган;

бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш мазмунига мажмуавий ёндашув (аниқ бир мақсадга қаратилганлик, ижтимоий-экологик жараёнлар билан боғлиқлик, яхлитлик, узлуксизлик, ҳамкорлик, жамоавийлик, шахсият ижобийлигига табақалашган ва яқка тартибда ёндашиш) асосида такомиллаштирилган, унинг самарадорлигини таъминлайдиган технологик тизим назарий ва амалий жиҳатдан асосланганлиги ҳақидаги таклифлар И1-ХТ-1-10748 – “Мактабдан ташқари таълим жараёнида ўқувчиларда барқарор экологик маданиятни ривожлантириш бўйича дидактик мажмуани жорий этиш” (2013-2014 йй.) номли илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги 89-03-2599-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш мазмуни мажмуавий ёндашув асосида самарадорлиги назарий ва амалий жиҳатдан асосланган;

бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш самарадорлигини таъминлашга оид экопедагогик таянч компетенцияларини Autoplay media studio, iSpring QuizMaker дастурида ривожлантириш усуллари ҳамда дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида ekooolam Web-сайтидан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқишга оид таклиф ва тавсиялар ekooolam веб-сайтида ҳамда “Бошланғич синф ўқувчиларини табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялаш” номли электрон ўқув қўлланмаси мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика Таълим марказининг 2020 йил 22 декабрдаги 01/11-03/6-1560-сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич синфларда дарсдан ташқари экологик таълимга оид ўқув машғулотларнинг сифат ва самарадорлиги ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган. Диссертация натижалари асосида ишлаб чиқилган 1 та виртуал электрон дастурга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, 147 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиёти жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялашнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялашда экологик маданият ва экологик компетенцияларни шакллантиришнинг назарий асослари ҳақида фикр юритилган, бошланғич синфлардаги экологик тарбия ўқувчилар томонидан билим, ва кўникма, малака ва компетенциялар эгаллаш долзарб вазифа эканлиги таъкидланган.

«Табиат – одамнинг пайдо бўлгунича ҳам, одам иштироки билан ҳам мавжуд бўлган борлиқ. Табиат объекти фазо ва вақтда мавжуд модда, материядир». Табиат – инсоннинг моддий ва маънавий талабларини қондирувчи биринчи манба. Шу сабабдан табиат ва жамият ўртасидаги муносабатлар қадимдан то ҳозирги кунга қадар барчани қизиқтириб келган муҳим масалалардан асосийси ҳисобланади. Табиат деганимизда бутун борлиқ, турфа олам, сайёрамиздаги жонли ва жонсиз жисмлар тушунилади. Ернинг жонли қисмига инсон, ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва микроорганизмлар, жонсиз қисмига ҳаво, сув ва тоғ жинси қатламлари мансуб. Улар бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ.

Табиат – инсон учун гўёки бешик, бамисоли она кучоғи. Унинг бағри кенг, қалби эса инсон учун ҳамшиша очик. У ўз саховати, ноз-неъматларини инсонлардан асло аямайди. Ер эса жамики бойликлар, ноз-неъматлар манбаи. Шу боис инсоният томонидан эъзозланиб, улуғланиб, она - Замин дея эътироф этилади. Бугунги кунда таҳдид солаётган энг катта муаммо – экологик ҳалокатнинг олдини олишда атроф-муҳитни меҳр-муҳаббат ва шафқат билан муҳофаза қилиш, эъзозлаш инсониятга ёрдам беради.

Ўтган аср охирида экологик таълим-тарбия назарияси ва методикасини ишлаб чиқишдаги дастлабки қадам табиатни муҳофаза қилиш вазифаларини ҳал этишга йўналтирилган, одамнинг табиатни муҳофаза қилиш фаолияти эса унинг асосий мазмунига айланган. Бироқ табиатни муҳофаза қилиш таълим - тарбияси, ўша пайтдаги тажрибалар кўрсатганидек, одамнинг табиатга уйғун муносабатини шакллантиришда муҳим ўрин тутмаган.

Шунингдек, мустақиллик йилларида экологик таълим-тарбия назарияси ва методикаси мазмунан қайта кўриб чиқилиб, унинг турли жиҳатларига оид умумдидактик қонуниятлар, принциплар ишлаб чиқилган бўлса-да, экологик таълим-тарбия, экологик онг ва маданиятни шакллантириш жараёнларининг мазмун-моҳияти, уларнинг тузилмаси ва ўзаро боғлиқлиги масаласи назарий-методологик, илмий-педагогик жиҳатдан тўлиқ, тизимли ўрганилмаган. Агар одамнинг ўз-ўзига, бошқа кишилар ва атроф-муҳитга бўлган муносабати экологик онг ва маданият нуқтаи назаридан таҳлил этилса, экологик таълим-тарбия назарияси ва методикасини тубдан қайта кўриб чиқиш зарурияти пайдо бўлади. Бу зарурият, табиийки, самарали экологик таълим-тарбия тизимини вужудга келтиради.

Ҳозирги вақтда бошланғич синф ўқувчиларига экологик тарбия жараёни муҳим аҳамият касб этмоқда. Энди экологик тарбияга олдинги йиллардаги каби расмий эмас, балки амалий мурожаат қилинмоқда. Бунинг сабаби шундаки, замонавий таълим парадигмалари доирасида бошланғич синф ўқувчиларида экологик маданият ва экологик компетенцияларни шакллантириш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Бошланғич синфлардаги экологик тарбия болалар томонидан қуйидаги билим, ва кўникма, малака ва компетенциялар эгалланишини назарда тутаяди:

- табиат, табиат ҳодисалари, шунингдек, у билан боғлиқ бўлган баъзи далиллар тўғрисида муайян билимлар мажмуига эга бўлиш;
- табиат ҳодисалари ўртасидаги ўзаро алоқалар ва боғлиқликлар занжирини аниқлай олиш;
- жонли ва жонсиз табиатнинг барча хилма-хиллигини умумий маънода билиш;
- табиатнинг ҳар бир одам ва бутун инсоният ҳаётида тутган ўрнини англаш;
- атроф-муҳит муҳофазасида ўзининг тутган ўрнини тушуниш.

Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш қуйидаги мақсадларга асосланади:

1. Бошланғич синф ўқувчиларида табиат ва унинг инсон ҳаётидаги аҳамияти тўғрисида яхлит тасаввурларни шакллантириш.
2. Ҳар бир ўқувчида атрофдаги олам қандай яратилган бўлса, шундай идрок этиш, унинг гўзаллиги ва ўзига хослигини англаш кўникмаларини ривожлантириш.
3. Ҳар бир ўқувчида атрофдаги оламини билиш кўникмаларини ривожлантириш.

4. Бошланғич синф ўқувчиларини табиат ва атроф-муҳитга ҳар томонлама ахлоқий ва эстетик муносабатга жалб этиш.

Демак, экологик тарбия - бошланғич синф ўқувчиларини умумий тарбиялашнинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Бошланғич синф ўқувчиларига экологик тарбияни ташкил этишда барча ўқув фанлари, айниқса, «Атрофимиздаги олам» ва «Табиатшунослик» таълими, шунингдек, ўқувчиларнинг дарсдан ташқари фаолияти энг самарали ташкилий шакллар ҳисобланади. Бунда ўқувчиларни экологик тарбиялаш методлари ва воситаларини тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади. Энг аввало, экологик тарбия бошланғич синф ўқувчиларининг ёш имкониятлари ва эҳтиёжларига мос келиши, шунингдек, унда болаларнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинishi керак бўлади. Бундан ташқари, ўқитувчи шуни эсда тутиши керакки, бошланғич синф ўқувчилари учун етакчи фаолият ўйин бўлиб, у ўқиш каби болаларда атрофдаги оламни ўрганиш ҳамда у ҳақдаги билимларни ўзлаштириш мотивациясини шакллантиришга ёрдам беради. Болаларни дарсдан ташқари ишларда тарбиялашнинг турли хил методлари ва воситаларидан фойдаланган ҳолда бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш вазифаларини ҳал этиш мумкин.

Бошланғич синфларда экологик тарбиялаш мазмунининг ўзагини бири-бири билан ўзаро боғланган учта таркибий қисм: когнитив (одам, меҳнат, табиат ва жамиятни уларнинг ўзаро алоқадорлигида тавсифловчи тушунчалар), ҳиссий (одамнинг табиий муҳит билан мулоқоти, табиатни ахлоқий-эстетик идрок этиши жараёнидаги ҳиссий ҳолат) ва амалий (ўқувчиларда экологик кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган ижтимоий фойдали амалий фаолият турлари ва методларининг ўзлаштирилиши) асосида бошланғич мактабда атроф-муҳитга оид билим ва кўникмаларни танлашда фойдаланилади.

Мазкур бобда бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш - педагогик муаммо сифатида экотаълимнинг амалдаги мавжуд ҳолатини таҳлил қилиш, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг бу ҳақидаги фикрларини ўрганиш, ўқув дастури, дарслик, диссертациялар таҳлили натижасида қуйидагилар таъкидланган:

1. Бошланғич синф ўқитувчиларининг экологик тарбиялашга оид билими, кўникма, малака ва компетенциялари етарли эмас. Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялашга ёрдам берадиган махсус қўлланма, кўргазмали восита (плакат), видео лавҳалар, синфдан ташқари машғулотларда виртуал электрон дастурлар мавжуд эмас.

2. Дастурда бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялашга оид материаллар мазмуни ўз аксини топмаган.

3. I – IV синф дарсликларидида экологик тарбиялашга оид тушунчалар етарли даражада ўз аксини топмаган.

4. Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялашнинг умуминсоний характерга эга бўлган асосий муаммолари ўрганилиб, амалиётга жорий қилинмаган.

5. Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялашнинг тарихий, миллий - маданий, умуминсоний асосларидан фойдаланиш муаммоси илмий-амалий жиҳатдан етарли даражада ҳал этилмаган.

6. Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялашда интерфаол методлардан фойдаланишни ташкил этиш муаммосига етарли равишда эътибор берилмаган.

7. Дарс ва синфдан ташқари машғулотларда бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш имкониятларидан фойдаланиш деярли эътибордан четда қолмоқда.

Диссертацияда бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялашнинг моҳияти ва унинг услубий-назарий асослари замонавий ёндашувлар асосида батафсил ёритилган, экопедагогик муаммолар ечими борасида асосли таклифлар тақдим этилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялашнинг амалий жиҳатлари”** деб номланиб, биринчи фаслда бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш мазмуни ва унга мажмуавий ёндашиш (аниқ бир мақсадга қаратилганлик, ижтимоий-экологик жараёнлар билан боғлиқлик, яхлитлик, узлуксизлик, ҳамкорлик, жамоавийлик, шахсият ижобийлигига табақалашган ва яқка тартибда ёндашиш), таълим мазмунида ахлоқий-маънавий қадриятларга устуворлик бериш асосида унинг услубий имкониятлари илмий асосланган.

Диссертацияда бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялашда технологик воситаларининг дидактик функциялари етарлича ёритилган.

Дарсда ўқув материалларини ўзлаштиришда инobatга олинган кўргазмалилик, пухталиқ, илмийлик ва тушунарлилик принциpidан фойдаланишнинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг билиш фаолиятини кучайтиришдир.

Бошланғич синф ўқувчиларини табиатни эъозлаш руҳида тарбиялашда ўқувчиларнинг ёши, жисмоний имкониятлари ва психологик хусусиятларини инobatга олган ҳолда “оддийдан мураккабга”, “узлуксиз ва узвийлик” педагогик принципларга таянган ҳолда назарий ва амалий билимларни шакллантириш керак.

Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш технологиялари, уларда табиатни эъозлаш сифатларини ривожлантириш мақсадлари ҳисобланади.

Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш технологиялари куйидаги ривожланиш босқичларидан иборат (1-расм қаранг).



1-расм.Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш технологияларининг ривожланиш босқичлари.

Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш технологиясининг ривожланиш босқичининг мазмун-моҳияти экологик тарбиялаш ҳақидаги билимларни ўзлаштириш сифатида концепциялар, назариялар ва экологик ғояларни ўрганиш бўйича билимлар, ўқувчиларини экологик тарбиялашда маълум назарияларни қўллаш ва экологик таълим мазмунини қайта тиклаш сифатида тушуниш, ўқувчиларни экологик тарбиялаш технологиялари борасидаги олинган инновацион билимларни қўллаш имконини берувчи кўникмалар, ўқувчиларни экологик тарбиялаш технологияларнинг моҳиятини тушуниш ва назарий жиҳатдан изоҳлаш, ностандарт муаммоли вазиятларни ифодалаш ва экологик зиддиятларни кўра билиш ҳамда ўқитишга бўлган креатив ёндашувни қарор топтиришга асосланади.

Бошланғич синф ўқувчилари билан дарсдан ташқари вақтларда ҳар хил машғулотлар: саёҳат ишлари, эрталиклар, синфдан ташқари ўқишлар, қизиқишлар бўйича тўғараклар ва бошқа ишлар ўтказилади. Бу ишлар ўқувчиларнинг ўқитувчи раҳбарлигида уларнинг табиатни билишга қизиқишини уйғотади. Табиатшунослик бўйича синфдан ташқари ишлар дарсда олинган билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш ва аниқлаштириш, табиатни ўрганишга қизиқиш уйғотиш, ўқувчилар фаоллиги ва табиатни эъозлашга бўлган муносабатини ривожлантириш, бу вақтни ташкиллаштириш имкониятини беради. Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялашда синфдан ташқари табиатшунослик ишлари тарбиявий аҳамиятга ҳам эга, чунки ўқувчиларнинг хулқ-атворида таъсир кўрсатади. Улар моддий дунёга қарашни ва меҳнат маданиятини шакллантиради, билишга қизиқишни ва мустақил кузатиш кўникмаларини ривожлантиради, жамоатчилик ҳисси ва табиатга муҳаббатни тарбиялайди.

Синфдан ташқари ишлар мазмуни. Табиатшунослик бўйича синфдан ташқари ишларга табиатни ўрганиш ва эъозлаш, ўсимликларни ўстириш, ҳайвонларни парвариш қилиш билан боғлиқ бўлган хилма-хил машғулотлар киради. Бу машғулотлар дарсда такрорламаслиги ва фақат дарсда олинган билимларга асосланиши керак. Ўқувчилар эътиборини табиат, мактаб жонли бурчаги ва ўқув-тажриба майдонидаги кузатишларга қаратмоқ, кўча ва мактабни кўкаламзорлаштириш бўйича қушларни муҳофаза қилиш ва қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши кураш бўйича ижтимоий-фойдали меҳнатни ташкил қилмоқ лозим. Табиатдаги амалий ишлар кузатишлар ва тегишли китоблар ўқиш билан бирга олиб борилиши керак.

Синфдан ташқари ишнинг жадал бориши учун уни ташкил этиш шакллари пухта ўйлаб чиқиш зарур. Синфдан ташқари ишларни уч гуруҳга бўлиш лозим (2-расмга қаранг).

Биринчи гуруҳ	Иккинчи гуруҳ	Учинчи гуруҳ
Ўқувчиларни қамраб олувчи кўплаб оммавий ишлар, тадбирлар.	Ўқувчилар билан олиб бориладиган тўғарак ишлари.	Табиатни ўрганишга қизиққан айрим ўқувчилар билан олиб бориладиган ишлар.

2-расм. Синфдан ташқари ишлар мазмуни.

I – IV синф ўқув материаллари бевосита атроф-муҳит билан боғлиқ. Атроф-муҳитда содир бўладиган барча ҳодисаларни дарсда ўқувчиларга ўргатиб бўлмайди. Бир қанча материаллар мавжудки, уларни ўқувчилар билишлари зарур. Ана шуни инобатга олиб, “Табиат шайдолари” мавзусидаги тўғарак ташкил этдик.

Машғулотларда ўқитувчи ва ўқувчилар ҳикояси, суҳбат, амалий ишлар бажариш, коллекция тўплаш ҳамда гербарийлар яшаш, тажрибаларга тайёрланиш ва ўтказиш, табиатда ўтказилган кузатишларни муҳокама қилиш методларидан фойдаланилди.

Экологияга оид мавзудаги тадбирларнинг мақсади ўқувчиларни табиатни эъзозлаш руҳида тарбиялашга экопедагогик таъсир ўтказишга қаратилган. Синфдан ташқари ишларга кўпроқ ўқувчиларни жалб этиш, уларда қатнашишга иштиёқ ва хоҳишни уйғотиш, уларни ижтимоий-фойдали ишларга йўналтириш, ўқувчиларда ташкилотчилик қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантириш мақсадида табиатшунослик бўйича синфдан ташқари оммавий ишлар саёҳатлар, танловлар, диапозитив ва кинофильмларни кўрсатиш билан бирга тематик кечалар, ҳар хил тадбирлар (кушлар кун, гуллар ва дарахтлар ўтказиш, ҳосил байрамлари, она-табиатни эъзозлаш)ни ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Диссертациянинг учинчи боби **“Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва уни ўтказиш”** деб номланиб, бу бобда тажриба-синовни ўтказиш мақсад ва вазифалари аниқланиб, бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш ҳақидаги билимларининг мавжуд ҳолатини аниқлаш мақсадида қуйидагича саволлар тузилди ва ўқитувчиларнинг билим даражаси ўрганилди: 1. Табиатни эъзозлаш деганда, нимани тушунасиз? 2. Атроф-муҳит деганда, нимани тушунасиз? 3. Экологик омиллар неча хил бўлади?

4. Нима сабабдан экологик муаммолар келиб чиқди? 5. Дарсликларда табиатни эъзозлашга оид билимлар мавжудми, улар ўқувчиларнинг ёш хусусиятига мос келадими? 6. Ўқувчиларга экологик тарбиялаш беришда қандай методлардан фойдаланасиз? 7. Ўқувчиларда экологик тарбиялашга оид адабиётлар етарлими? 8. Экологиядан синфдан ташқари ишларни ташкил қиласизми, қайси шаклда? 9. Ўқувчига экологик тарбиялашга оид бериладиган билимлар қандай мазмунда ва ҳажмда бўлишини хоҳлайсиз?

Анкета-сўровномаларига Тошкент шаҳридаги 28-219-, Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги 5-18-, Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги 1 ва Термиз шаҳридаги 1-умумтаълим мактабларининг 31 нафар ўқитувчиси жавоб бердилар. Олинган натижалар таҳлили орқали бошланғич синф ўқитувчиларини экологик тарбиялаш борасидаги экопедагогик фаолият мазмуни аниқланди.

Бошланғич синф ўқувчиларининг экологик тарбияланганлик даражасини белгиловчи учта мезони ишлаб чиқилди:

а) юқори даражада – экологик тарбия ҳақидаги билимлар пухта ўзлаштирилган; эгалланган назарий ва амалий билимларга қатъий амал қилинади;

б) ўрта даражада – экологик тарбиялаш кўникмаларининг эгалланганликлари узлукли равишда (доимий бўлмаган) кўзга ташланади, назарий билимлар эгалланган, аммо улар амалиётга татбиқ этилмайди;

в) паст даражада – экологик тарбиялаш амалиётга қўлланилмайди.

Тадқиқот муаммосини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш асосида бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш борасида ишлаб чиқилган методик тажриба-синов ишларини ташкил этиш жараёнида ўзининг самарадорлигига эга бўлди.

Танланган мактабларда педагогик тажриба-синов ўтказишда асосан қуйидагиларни синаб кўриш назарда тутилди: бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялашга оид материалларнинг “Атрофимиздаги олам” ва “Табиатшунослик” фанларини ўрганишда тутган ўрни ва аҳамияти; “Атрофимиздаги олам” ва “Табиатшунослик” фанларини ўрганиш жараёнида сингдириб боришнинг илмий-услубий жиҳатларини ўринлилиги; ўқувчилар “Атрофимиздаги олам”, “Табиатшунослик” фанларга оид дидактик материалларни қандай даражада ўзлаштиришлари; бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялашга оид материалларни таълим-тарбия жараёнига киритилиши билан фанларни ўрганишларига ўқувчиларнинг қизиқишларини ортиб бориши; бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялашга оид материалларнинг тарбиявий аҳамиятини кўрсатиш; бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялашга оид материаллар ўқиш у методларининг ўқувчиларда экологик маданиятини шакллантириш ва мантиқий тафаккурини ривожлантиришдаги аҳамиятини кўрсатиш; бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялашда синфдан ташқарида ташкил этиладиган ишлар самарадорлиги.

Педагогик тажриба-синов ўтказиш даврида экологик тарбиялашга оид материалларни ўқувчиларга ўргатиш методлари дарсда ва синфдан ташқари машғулотлар вақтида синаб кўрилди.

Тадқиқот ишимизда ижобий натижалар берган методларнинг самарали жиҳатлари ўрганилди.

Таъкидловчи тажриба-синов ишлари натижалардан маълум бўлдики, бошланғич синф ўқувчиларининг аксарияти табиатни эъозлашнинг моҳиятини тўлақонли тушунтириш қобилиятига эга эмасликлари сабабли берилган саволларга тўлиқ жавоб бера олмадилар. Жавоб беришга ҳаракат қилган ўқувчиларнинг кўпчилиги табиатни эъозлашнинг моҳиятини тўғри талқин этиш имкониятига эга эмаслар, шу боис улар атроф - муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган фаолиятини ташкил эта олмадилар. Мазкур ҳолатни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлашга бўлган интилиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, ўқувчиларнинг деярли барчаси юқорида қайд этилган экологик тарбиялашга оид билимлар ва уларнинг мазмунини ўзида намоён этувчи манбалар ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмас.

Ўқувчиларни табиатни эъозлаш руҳида тарбиялаш кўрсаткичлари асосида тажриба мактаблари бошланғич синф ўқувчиларинининг шартли равишдаги юқори ўрта ва қуйи даражадаги табиатни эъозлашга эга эканлиги

аниқланди. Бу тадқиқот ишимизнинг натижаси қуйидаги 1-жадвалда ўз ифодасини топган.

1-жадвал

Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш даражалари миқдорий ва сифатий ўзгаришлари ҳақида маълумотлар.

Т/р	Синфлар	Тажриба синфлари n ¹ = 528		Назорат синфлари n ¹ = 528	
	Даражалар	Тажриба бошида	Тажриба охирида	Тажриба бошида	Тажриба охирида
1.	Юқори	137	167	133	102
2.	Ўрта	221	219	237	247
3.	Қуйи	170	142	158	179

Шундай қилиб, таълимни ташкил этиш жараёнида бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялашнинг асосий йўли – узоқ муддатли, пухта режалаштирилган назарий-амалий экологик таълим тизимини яратиш, унинг ғояларини амалиётга татбиқ этиш ҳамда уларнинг самарадорлигини кескин ошириш борасидаги жараёнини ташкил этиш ҳисобланади.

1-жадвал бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш даражалари улар томонидан табиатни эъзозлаш тўғрисидаги билимларни ўзлаштириш ҳамда атроф-муҳитга нисбатан фаолият кўникмаларини ҳосил қилиш ҳолатига мувофиқ қуйидаги мезонлар ишлаб чиқилди:

1. 57% дан 70% гача – «қуйи даража» («3»).
2. 71% дан 85% гача – «ўрта даража» («4»).
3. 86%дан 100% гача – «юқори даража» («5»).

1-жадвалда келтирилган бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш даража кўрсаткичлари ҳаққонийлигини аниқлаш мақсадида математик – статистик таҳлилни Стюдент-Фишер методи бўйича амалга оширилди.

Амалга оширилган тажриба-синов ишлари натижаларини 1-жадвал кўрсаткичлари асосида бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш даражасини тажриба-синовгача бўлган даврда ўтказилган тажриба ва назорат синфларидаги ўзлаштиришларини умумий ҳолда статистик таҳлил қиламиз. Назорат натижаларини дастлабги ҳолда қуйидаги 2-жадвалда ифодаланган:

2-жадвал

Тажриба-синовдан олдин бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш даражаларининг миқдорий ва сифатий ўзгаришларини аниқлаш кўрсаткичлари

Синф	Ўқувчилар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба синфи	528	137	221	170
Назорат синфи	528	133	237	158

Бу кўрсаткичларни фоизларда ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз. Ҳар бир ўқувчининг ўзлаштириш коэффициенти фоизларда


$$K = \frac{J}{Q} \cdot 100\% \text{ формула орқали топилади.} \quad (1)$$

Бу ерда: J – ўтказилган сўровномада берилган тўғри жавоблар сони; Q – ўқувчиларнинг умумий сони.

3-жадвал

Т/р	Синфлар		Таҷриба	Назорат
	Баҳо			
1.	Юқори		$K_1 = \frac{137}{528} \cdot 100\% = 25,9\%$	$K_1 = \frac{131}{422} \cdot 100\% = 24,8\%$
2.	Ўрта		$K_1 = \frac{201}{528} \cdot 100\% = 41,9\%$	$K_1 = \frac{254}{422} \cdot 100\% = 48,1\%$
3.	Паст		$K_1 = \frac{170}{528} \cdot 100\% = 32,2\%$	$K_1 = \frac{143}{422} \cdot 100\% = 27,1\%$

Бу танланмаларга мос келган диаграммани чизамиз:



3-расм. Таҷриба-синовдан кейин бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш технологияси даражаларининг миқдорий ва сифатий ўзгаришларини аниқлаш диаграммаси.

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасининг баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, таҷриба синфидаги ўзлаштириш назорат синфидаги ўзлаштиришдан юқори экан. Демак, таҷриба-синовдан кейин бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш даражаларининг миқдорий ва сифатий ўзгаришларини аниқлаш бўйича ўтказилган таҷриба-синов ишлари самарадор экан.

ХУЛОСАЛАР

1. Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш принципларига аниқлик киритилди ва мактаб амалиётидаги ҳолати долзарб педагогик муаммо эканлиги асосланди, бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш мазмуни ва тузилмасига мажмуавий ёндашув ишлаб чиқилди.

2. Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялашда аждодларимиз қолдирган улкан маънавий мерос, асрлар давомида тўплаган миллий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналардан таълим жараёнидаги аҳамияти ўрганилди.

3. Экопедагогик фаолиятда бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш принциплари, қоидалари ишлаб чиқилди.

4. Бошланғич синф ўқувчиларини дарсда ва дарсдан ташқари ишлар жараёнида экологик тарбиялашнинг фанлараро ёндашувга ва электрон воситаларга асосланган интерфаол технология (тасвирлаш, эшитиш воситаларидан фойдаланиш, статик ва динамик кўргазмали воситалардан фойдаланиш, мустақил ижодий фаолият, график объектларни, виртуал лаборатория ва амалий тажрибаларни ташкил этиш, виртуал экскурсияни ташкил этиш) лар такомиллаштирилди ва самарали эканлиги аниқланди.

5. Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш технологиялари аниқланиб, улардан фойдаланиш мажмуи ишлаб чиқилди.

ТАВСИЯЛАР

1. Ўқув жараёнини янгиланган дарсликлар, тажриба-синовдан ўтган стандартлар талабларига жавоб берадиган замонавий технологиялар асосида ташкил этишга талаб янада ортганлигини эътиборга олиб бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш технологиялари самарадорлигини ошириш мақсадида ўқув фанлар мазмунини экологик тарбиялаш компетенциялар билан бойитиш мақсадга мувофиқдир.

2. Узлуксиз таълим тизимида экологик тарбиялаш технологиялари ва ўқувчиларнинг экологик фикр юритиш тизимини яратишда узвийлик масаласи ҳал этиш долзарбдир.

3. Тизимли дастур асосида бошланғич таълим ўқув дастурларини экологиялаштириш, таълим соҳасида экологик дунёқарашни шакллантиришга доир амалий тажрибаларни умумлаштириш ва оммалаштириш мақсадга мувофиқ.

4. Бошланғич синф ўқувчиларини экологик тарбиялаш бўйича электрон дастур (тасвирлаш, эшитиш воситаларидан фойдаланиш, статик ва динамик кўргазмали воситалардан фойдаланиш, мустақил ижодий фаолият, график объектларни, виртуал лаборатория ва амалий тажрибаларни ташкил этиш, виртуал экскурсияни ташкил этиш) ишлаб чиқиш ва компетенциявий ёндашувга асосланган ДТС мазмунига сингдириш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.PED.78.03 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТЕРМЕЗСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ.**

ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

КУЧКИНОВ АБДУМАЛИК ЮЛДАШЕВИЧ

**ТЕХНОЛОГИИ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ УЧАЩИХСЯ
НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ**

13.00.01- Теория педагогики, История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Термез - 2021

Тема диссертации доктора (философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.4.PhD/Ped1534

Диссертация выполнена в Термезском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.tersu.uz), а также на информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziynet.uz)

Научный руководитель:

Турдикулов Э.О.

доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Худойкулов Хол Джумаевич

доктор педагогических наук, доцент.

Ведущая организация:

Авазов Шериммат

кандидат педагогических наук, профессор

Бухарский государственный университет

Защита диссертации состоится «10» 02 2021 года в 9⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Ped.78.03 по присуждению ученых степеней при Термезском государственном университете. (Адрес: 190111, город Термиз, ул. Баркамол авлод, дом 43. Тел.: (99876)223-13-11; 221-74-55 факс: 0(376)221-74-55; web-site: www.tersu.uz; e-mail: termizdu@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре (зарегистрирована за № 34) Термезского государственного университета. (Адрес: 190111, город Термез, ул. Баркамол авлод, дом 43. Тел.: (99876)223-13-11; 221-74-55 факс: 0(376)221-74-55; web-site: www.tersu.uz; e-mail: termizdu@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «29» 02 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 6 от 29 02 2021 года).

И.Т. Чориев
Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор.

М.К. Бозорова
секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, к.п.н., доцент.

Х.Ж. Худойкулов
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
научных степеней, д.п.н., доцент.



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Современные экологические - образовательные институты в мире придают сегодня особую приоритетность вопросам формирования подлинных человеческих отношений с природой, выявлению своеобразного социально - естественного измерения, освоения норм поведения, обеспечивающие дальнейшее гарантийное развитие природы с человеком. Международное педагогическое сообщество в качестве основной задачей современного экологического образования, посредством создания системы в обучении экологическому мышлению личности и оказания экопедагогического влияния на учащихся, проводится исследования над совершенствованием механизма экологического воспитания.

Взаимное отношение национальных и общечеловеческих ценностей экологического мировоззрения в системе мировых экоисследований, оценка в качестве интегративной связи эстетического отношения личности к природе, то есть, экологического сознания и культуры общества создают возможность в разработке новых методологических подходов. Поэтому, совершенствование дидактического обеспечения при повышении эффективности экообразовательных технологий в процессе экологического воспитания учащихся имеет важное значение. На сегодняшний день, в развитых странах, экологическое образование в качестве “межпредметной темы” характеризуется тремя основными понятиями – система, мировоззрение, будущее, где формируются практические навыки эстетического отношения учащихся к природе.

В установленной концепции охраны окружающей среды, в построении нового Узбекистана, важное значение имеет “повышение уровня гласности государственных органов в области охраны окружающей среды, повышения экологической культуры населения, а также усиление роли гражданского общества”². В этом отношении разработка и принятие национального плана Действий в реализации Парижского соглашения по изменению климата Узбекистана, на пути великих целей как стратегия перехода Узбекистана к “зелёной” экономике в 2019-2030 годы, достижение успехов по предотвращению экологических катастроф в области устойчивого развития в период до 2030 года предполагает необходимость совершенствования технологий экологического воспитания учащихся начальных классов, служащие целям формирования новой государственной управленческой системы в области охраны окружающей среды.

Данное исследование в определенной степени послужит реализации задач предусмотренных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан № УП-5863 от 30 октября 2019 года, № ПФ-6108 от 6 ноября 2020 года “Об утверждении концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан на период до 2030 года”, Постановление Кабинета

²Указ Президента Республики Узбекистан от 30.10.2019 “Об утверждении Концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан на период до 2030 года”

Министров Республики Узбекистан от 6 апреля 2017 года № 187 «Об утверждении Государственных образовательных стандартов общего среднего и среднего специального, профессионального образования», №434 от 27 мая 2019 года, «Об утверждении Концепции развития экологического образования в Республике Узбекистан», № 1059 от 31 декабря 2019 года «Об утверждении концепции непрерывного духовного образования и мер по ее реализации» и в других нормативно - правовых актах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Пути формирования системы инновационных идей и их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. Вопросы экологической науки и охраны природы в системе мирового образования были исследованы зарубежными учеными, как Christian Guet, Jenefer Gonzales, Irina Katane, Maria Saxton, Monica Green, D.Meadows, T.Miller, E.Odum, A.Peccei, R.Whittaker, M.Green, которые внесли большой вклад в развитие экологической науки об охране природы.

Педагогические и методические проблемы экологического образования в системе начального образования исследованы такими учеными из СНГ как Л.Берг, И.Герасимов, Э.Гируссов, Н.Дубинин, Ю.Израэль, Г.Кожевников, К.Лосев, Н.Моисеев, Н.Реймерс, В.Розанов, В.Сукачев, А.Яблоков, Е.Хохлова, И.Д.Зверев, А.Н.Захлебный, С.К.Матрусов, И.А. Рыков, А.П.Сидельковский, И.Суравегина, И.Н. Пономарева и И.В. Цветкова.

